O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 16 октябрь сешанба
Сотувда эркин нархда
№ 211 (2773)

***Биз тинчлик ва осойишталикни, озодлик ва адолатни юксак қадрлайдиган, тарихнинг барча оғир синовларидан мардона ўтиб, ҳамиша мағрур яшашга ўрганган халқмиз,.. Ватанимизни кўз қорачиғидай асраб, элимиз, юртимиз шаънини, орномусимиз, қадр-қимматимизни, мунис оналаримиз, аёлларимиз ва қизларимизни ҳимоя қилиб, матонатли миллат, буюк ва жасоратли халқ бўлиб яшашга муносибмиз.***

**Ислом КАРИМОВ.**

## Тошкент вилояти пахтакорлари, барча меҳнаткашларига

*Қадрли дўстлар!*

*Ўз меҳнати билан элимизда шуҳрат қозонган сиз, пойтахт вилоятининг азамат меҳнаткашларини 275 минг тонналик юксак хирмон яратиб, давлатга пахта сотиш бўйича шартнома-режасини бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.*

*Бу йилги мураккаб табиий шароитда сизлар эришган бу катта муваффақият омилкор деҳқонлар, барча қишлоқ меҳнаткашлари, бутун вилоят аҳлининг биргаликда қилган фидокорона меҳнати натижасидир, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.*

*Замонавий технологиялар, фан-техника ютуқларидан оқилона фойдаланиш борасида ҳамиша ибрат бўлиб келган Тошкент вилояти пахтакорларида тадбиркорлик фазилатлари, ерга эгалик ҳисси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусининг кучайиб бораётгани қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ижобий самара бераётганидан далолатдир.*

*Айниқса, сизларнинг давлатга қўшимча равишда яна 15 минг тонна пахта сотишга қарор қилганингиз таҳсинга лойиқ.*

*Ишончим комилки, сиз, ташаббускор ва изланувчан, азми қатъий пойтахт вилояти меҳнаткашлари халқ хўжалигининг барча соҳаларида янги-янги ютуқларни қўлга киритиб, мамлакатимиз салоҳиятини, халқимиз фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшасиз.*

*Мана шу эзгу мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, хонадонларингизга файз-барака тилайман.*

*Яна бир бор эришган улкан меҳнат ғалабангиз муборак бўлсин!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**



## 30 КУНЛИК ЖАСОРАТ

***Тошкент вилояти деҳқонлари пахта тайёрлаш шартнома режасини қисқа муддат — 30 иш кунида бажардилар. Ҳа, мард, танти пахтакорнинг аҳиллик ва уюшқоқлик билан қилган меҳнати ўз самарасини берди. Улар республикада иккинчи бўлиб давлат буюртмасини адо этдилар. Давлатга 275 минг тоннадан зиёд пахта етказиб берилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 27,4 центнерни ташкил этди. Унинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.***

Биз зафар марраси эгаллан-ган кун арафасида вилоят туманлари, хўжаликлари, фермер ва оилавий пудратчилар далаларини кезарканмиз, одамлар билан суҳбатлашарканмиз, бу ғалабага ўз-ўзидан эришилмаганига амин бўлдик. Беихтиёр Президентимизнинг вилоят деҳқонлари, меҳнаткашлари шаънига айтган илиқ сўзлари хотирамизга келди: «Тошкент вилоятининг меҳнаткаш, мард, танти халқи — мўъжизалар яратишга қодир. Ўзининг нияти холислиги, дили поклиги, аҳиллиги, ташаббускор ва тадбиркорлиги билан ҳурмат-эътибор қозониб келаётган халқ. Бундай фазилатларга эга инсонларни Яратганнинг ўзи ҳамиша қўллаб-қувватлайди».

Ҳақиқатан ҳам, вилоят аҳли бу ишончни ўзининг фидокорона меҳнати билан оқламоқда. Вилоят пахтачилиги тарихида биринчи бор қисқа муддат ичида ана шундай салмоқли ютуққа эришилди. Сўнгги йилларда кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги соҳасида юз бераётган ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ислоҳотлар эришилган муваффақиятларнинг омили бўлди. Эътибор беринг: 2001 йилда пилла тайёрлаш режаси 105 фоиз

(Давоми 3-бетда).

**СУРАТДА: Янгийўл тумани Ниёзов номли ширкат хўжалиги бош пудратчиси (ўнгдан чапга) Дилмурод Юнусов, пудратчи Мирзакарим Ҳожимирзаев, теримчи Шоҳида Аширалиева ва бошқарув раиси Йўлдошали Деҳқонов пахтазорда.**

**Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.**

## Халқлар иродаси букилмасдир

11 сентябрь воқеалари дунёни ўзгартирди. Аммо уни террористлар хоҳлаганидек ўзгартира олишмади. Дунё ва миллат на давлат чегаралари ва на диний эътиқодларни тан оладиган халқаро терроризмни қириб ташлаш учун бирлашди.

Террористларда жаҳон ҳамжамиятининг иродаси ва руҳини, унинг тинчлик ва осойишталикда яшаш истагини енгишга ҳеч қандай имконият мавжуд эмаслигига шубҳа йўқдир.

Айниқса, террористлар жанги бошқа диндаги кишиларга қарши олиб борилаётганлигини эшитганингда кишининг қалби ғулувга бота бошлайди. Табиий савол туғилади: «Садоқатсиз»ларга қарши қандай уруш ҳақида гап кетаяпти? Ахир Қуръонда, Инжил-у, Талмудда ва Ведахларда асосий тамойил «ўлдирма» деб келтириладику. Ҳеч бир динда ўзингга ўхшаганларни ўлдириш керак деб айтилмайди.

Бизга яқин ва узоқ бўлган Америкада, Жаҳон савдо маркази вайроналари остида, ёши ва миллати ҳамда эътиқоди турфа бўлган минглаб ҳалок бўлганлар орасида мамлакатимиз вакиллари ҳам борлигини билиш нақадар оғир ва оғриқлидир. Бири 1975 йилда туғилган, Нью-Йоркдаги Америка-испан институтида хусусий йўл билан таҳсил олаётган ва бир вақтда ушбу бинода кафе кассачиси бўлиб ишлаётган Гавҳарой Қамардинова, Ирина Колпакова эса Жаҳон савдо марказида жойлашган фирмалардан бирида сифат масалалари бўйича менежер вазифасида меҳнат қилаётган эди.

Ватандошларимизнинг севиб, севиладиган, атрофдагиларга олам-олам қувонч ҳадя этадиган ва ота-оналарни ардоқлай оладиган энг гўзал бир ёшда ҳаётдан кўз юмишлари, сўзсиз, нафақат бизнинг, балки АҚШнинг барча фуқаролари кўнглида ҳам дард ва алам туйғусини уйғотади.

Шу муносабат билан 12 октябрь куни АҚШ Президенти Жорж Буш Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовга қуйидаги мазмунда мактуб йўллади:

**«Мен Америка халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига 2001 йил 11 сентябрдаги террористик хуруж муносабати билан билдирган самимий ҳамдардлик ва ташвишларингиз учун миннатдорлик билдираман. Бу ваҳший ҳаракатлар озодликка ҳамла бўлди ва барча тараққий этган халқлар учун огоҳлантирувчи омил бўлиб хизмат қилди.**

**Американиклар вайроналар келтирган ушбу воқеалардан сўнг мамлакатингиз ўзининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирганидан миннатдордирлар. Шахсан мен ҳам Сиз билан телефон орқали бўлган суҳбатимиз чоғида изҳор этилган самимий ҳамдардлигингиз учун миннатдорман. Шунингдек, мен Сизга ва халқингизга ушбу даҳшатли хуружда Ўзбекистондан ҳам одамлар ҳалок бўлганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирмоқчиман. Давлат департаментининг ахборотига асосан, айни пайтда Ўзбекистоннинг икки вакили йўқолган, деб ҳисобланмоқда. Америка халқи нафақат бизнинг мамлакатимизда, балки бутун дунёда оилалар ва биродарлар ўзларининг яқин кишилари учун қайғураётганликларини яхши англайди.**

**11 сентябрь куни озодликка хуруж этилди, аммо озодлик ҳимояланади. Халқларимизнинг қадриятлари ва принциплари Афғонистонда, Марказий Осиёда ва бутун дунёда терроризмни батамом йўқ қилишнинг ҳал қилувчи омилидир. Мен мазкур мураккаб даъватта жавоб қайтаришда Сиз билан ҳамкорликни сабрсизлик билан кутаман. Кураш балки узоқ давом этар, лекин Сизнинг бирдамлигингиз ва мададингиз бу ишда бизга куч-қудрат ва қатъиятлик бағишлайди.**

Ҳа, терроризмни бирданига йўқ қилиб бўлмайди. Қанча жўн кўринмасин, бунинг учун бутун дунё ҳамжамиятининг ушбу йўналишдаги аниқ мақсадлари мавжуд бўлган кучлари бирлашиши керак.

Ўзбекистон жамоатчилиги ҳалок бўлган ватандошларимизнинг оилалари ва яқинларига чуқур таъзия билдирар экан, терроризмни таг-томири билан йўқотиш учун кураш халқларнинг енгилмас иродаси эканлиги оддий ҳақиқатлигини яна бир карра таъкидлайди.

**«Жаҳон» АА.**

## Вазирлар Маҳкамасида брифинг

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар учун брифинг ўтказилди. Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов таъкидлаганидек, у Марказий Осиё жамоатчилигига холис ахборот бериш мақсадида ташкил этилди.***

Яқинда Қирғизистонда “Қирғизистон Республикасининг сув объектлари, сув ресурслари ва сув хўжалиги иншоотларидан давлатлараро фойдаланиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Унинг 3-моддасига кўра, давлатлараро муносабатларда сувдан фойдаланишнинг пуллик тартиби жорий этилади. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши Қирғизистон парламенти депутатларининг иззатталаблигидан бошқа нарса эмас. Улар сувни дунё нархларида сотиш ҳавасига берилиб, чегаралар орқали ўтувчи сувларни табиий эмас, моддий ресурс, деб эълон қилмоқда.

Уларнинг фикрича, Сирдарё оқиб ўтадиган Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон қишлоқ хўжалигига қирғиз пули “оқиб кетмоқда”. Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев Қирғизистон Республикасига ташрифи чоғида депутатларнинг сув ресурсларини сотиш борасидаги бу ҳаракатлари ҳақида салбий фикр билдирган эди. Қозоғистон ҳукумати эса Тўқтағул сув омбори бир вақтлар иттифоқ маблағига, журналистлар ибораси билан айтганда, жамоа жам бўлиб қурилганини эслатиб ўтди.

Мазкур Қонун муаллифлари Қирғизистон Республикаси гуллаб-яшнашининг янги фалсафасини илгари суриб, Халқаро сув ҳуқуқини, Тўқтағул сув омбори яратилиш тарихи ва унинг нима мақсадда қурилганини четлаб ўтмоқда. Дунёдаги ҳеч бир давлат чегаралар орқали ўтувчи дарёлар сув ресурсларини ўзининг хос ва бўлинмас мулки деб эълон қилмайди. Бутун тараққий топган дунёда бундай дарёлардан фойдаланиш борасидаги давлатлараро муносабатлар чегаралар орқали ўтувчи дарёларнинг табиий оқимини бузмаган ҳолда уларнинг сувидан оқилона фойдаланиш борасидаги битимларга асосланади.

Ўзбекистон сув ресурслари учун пул талаб қилишни асоссиз деб ҳисоблайди. Қирғизистон Республикасининг бу намойишкорона ҳаракати ички иқтисодий муваффақиятсизликларни ташқи омилларга боғлашга уринишдир. Йўқса, сўнгги вақтда Қирғизистон матбуотида чоп этилаётган катта-катта мақолаларда 22 йил давомида Тўқтағул сув омборидан бошқалар ҳам фойдаланиши натижасида Қирғизистон маҳрум бўлган миллиардлаб даромад ҳисоб-китоби келтирилаётганини қандай баҳолаш мумкин? Сирдарёнинг ирмоқларидан бири бўлган Норин дарёсида шундай “катта тўғон” қурилиши тарихидан баъзи лавҳаларни келтириб ўтамиз. Таассурот туғиладики, гўё Тўқтағул сув омбори қурилмагунича Ўзбекистонда деҳқончилик қилинмаган. Статистика маълумотларидан кўринадики, 1975 йилгача юқорида айтиб ўтилган дарёларнинг табиий оқиши эвазига фақат Ўзбекистонда 3,4 миллион гектардан ортиқ ер суғориларди, вегетация давридаги эҳтиёжни қорларнинг эриши ва ирмоқлар ҳисобига табиатнинг ўзи қопларди.

У даврда камида 2 миллион гектар ердан пахтачилик учун фойдаланилган, ҳозирда эса пахта майдонлари 1,5 миллион гектаргача қисқарган. Боз устига, экин майдонлари айнан Сирдарё сувидан суғориладиган ҳудудларда қисқартирилган. Намлик талаб қиладиган экинлар ҳақида гап кетганда, Қозоғистон ва Тожикистонда ҳам шундай вазият кузатилмоқда.

Тўқтағул сув омбори қурилгунча Мирзачўлдаги суғориладиган ерларнинг 270 минг гектарга кўпайишига Қайроққум сув омбори ҳисобига эришилган эди. У 1957 йилда Сирдарёда Ўзбекистон ўрта оқими ва Қозоғистон қуйи оқимининг сувга эҳтиёжини тартибга солиш мақсадида бунёд этилган.

Ҳар йили Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида Қайроққум сув омборидан ҳамкорликда фойдаланиш тўғрисида битим имзоланади. Унга мувофиқ, давлатлар электр энергияни тенг улушларда тақсимлайди, ёзда сув оқизилганда Тожикистондан, қишда сув тўпланиши керак бўлганда Ўзбекистондан олади. Бу жараён узоқ йиллар давомида ҳеч бир муаммосиз ва ўзаро даъволарсиз давом этмоқда.

Тўқтағул сув омбори қурилгандан сўнг Қирғизистон электр энергетикаси сув тўпланиши ва Норин дарёси саёзланиши боис тақчил бўлиб қолди. Ёз пайтида Қирғизистон энергетика тизими ортиқча энергия ишлаб чиқарар, қишки тақчил мавсумда эса электр энергияси Ўзбекистон ва Қозоғистондан олинарди.

Мустақилликка эришгандан кейин Қирғизистон ҳукуматининг қарори бўйича Норининг лойиҳа иш тартиби ўзгарди, у ирригация-энергетикадан фақат энергетика иншоотига айлантирилди. Республикада аввалги йиллардагидан уч баробар кўп электр энергияси, шундан 80 фоизи қишда ишлаб чиқара бошланди. Бу эса электр станцияси турбиналари остидан катта ҳажмда сув оқизилади, демакдир.

Қишда Қозоғистон ҳудудида Сирдарёнинг музлаши сабабли катта ҳажмдаги сув Орол денгизига етиб бормай, Ўзбекистон ҳудудига оқизиб юборилмоқда ва минглаб гектар экин майдонларини сув босмоқда, вегетация даврида эса сув таъминоти кескин пасаймоқда. Минтақа давлатларига 770 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри умумий иқтисодий зарар келтирилмоқда, шу жумладан, суғориладиган деҳқончилик 400 миллион доллар зиён кўрмоқда. Қолаверса, сув ресурсларидан мустақил фойдаланишни даъво қилаётган мамлакатнинг ўзи сув омборларини йил бўйи ишлатиш сабабли электр энергияси ишлаб чиқаришнинг мунтазам қисқаришидан яқин келажакда бундан ҳам кўпроқ зарар кўради.

Ўзаро боғлиқ омилларнинг тақдим этилаётган таҳлили оддий одамларга етказилиши керак. Шунда улар Сирдарё ҳавзасидаги сув-энергетика ресурсларидан фойдаланишнинг лойиҳавий тартиби бузилиши оқибатларини яхши англаб етадилар. Бу масала оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ва Қирғизистон ўз муаммоларини бир-бирига ўзаро газ ва сув етказиб бериш орқали ҳал қилмоқда, дея талқин қилинишига Ўзбекистон қўшилмайди. Қўшниларимиз эса бу гапни ушлаб олиб, атайлаб одамларни лақиллатмоқда, ҳисоб-китоблар асосида газ эмас, электр энергияси ётиши тўғрисидаги асосий гапдан чалғитмоқда. Тенг ҳуқуқлилик тамойили асосида ягона сув тизимидан оқилона фойдаланиш учун унинг қатнашчилари сув тақсимлаш улушларини таъминлайдиган келишилган энергия алмашиш тартибига қатъий риоя этиши шарт.

Бироқ барча ахборот агентликлари ҳам масала моҳиятини ҳар доим ҳаққоний баён этмаяпти. Интерфакс-Қирғизистон агентлиги Қирғизистон бош вазирининг биринчи ўринбосари баёнотига суяниб, жорий йилнинг 15 апрелида хабар тарқатдики, Ўзбекистон газ етказиб беришни тўхтатгани боис аҳолининг кўпроқ электр энергиясидан фойдаланишга ўтиши юзасидан чоралар кўрилмоқда.

Бу шуни англатадики, куз-қиш мавсумида Тўқтағул сув омборида кейинги ёзда қўшни Ўзбекистонга бериш учун етарлича сув тўпланмайди, дейди у.

Хабар муаллифлари “Қирғизгаз” акционерлик жамиятининг Ўзбекистонга қарзининг валютада тўланадиган қисми О,6 миллион АҚШ долларидан, маҳсулот билан тўланадиган қисми эса 1,150 миллион доллардан ошиб кетганини айтишни унутишган. Битимга кўра, Ўзбекистон гази учун тўловнинг 50 фоизи валютада, қолгани эса маҳсулотлар билан амалга ошириладди.

Қирғизистон ҳукуматида Тўқтағул сув омборида сув тўпланиши масаласида якдиллик йўқ. Унда Бош вазир ва унинг биринчи ўринбосари фикрлари ўртасидаги фарқни қандай изоҳлаш мумкин?

Жорий йилнинг 13 октябрида Қирғизистон Бош вазири, кеч бўлса-да, расмий телеграмма жўнатиб, Битимга риоя этиш ва сув омборида сувни сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистондан 532 миллион киловатт/соат миқдорида электр энергияси олишга тайёр эканлигини тасдиқлади.

Оммавий ахборот воситалари орқали куракда турмайдиган гаплар билан жамоатчиликни чалғитишга уриниш яққол кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон яхши қўшничилик муносабатларини сақлаш сиёсатига қатъий амал қилиб, ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилувчи битимга тўлиқ риоя этади.

**(ЎзА).**

## «Биз ҳеч кимни қўрқитмаймиз. Қўрқмаймиз ҳам»

**дейди Термиз чегара бўлинмасининг шахсий таркиб билан ишлаш сардори Акром КУБАЕВ**

***Чегарачилар қароргоҳи ҳовлисида турфа гуллар ўстирилган. Уларнинг боғбони — аскарларнинг ўзи. Гуллар — тинчлик рамзи. Эзгулик нишонаси.***

***Бу ердаги энг гавжум гўша — кутубхона. Кутубхоначи Ғайрат Саидовни аскарлар ўз тиллари билан маънавият сардоримиз дейишар экан. Ғайратдан кимдир китоб сўрайди. Кимдир... Шу йил 11 сентябрь куни АҚШда мудҳиш террорчилик акти содир этилганидан буён вақтли матбуот нашрларига қизиқиш кучайган. Президентимизнинг Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқеалар хусусида Баёноти, «Тинчлик учун курашмоқ керак» деган мавзуда суҳбатлари ва бошқа долзарб мақолалар босилган газеталар кўринарли жойларда тахлаб қўйилган.***

— Бироқ аскарнинг гул ўстиришу, мутоаладан-да муҳимроқ ишлари бор, — дейди катта лейтенант А. Кубаев. — Орамизда Сариосиёнинг Киштут, Тамархут, Зевар деган жойларида бўлиб, террорчи газандаларнинг куракка турмайдиган қилмишларини ўз кўзлари билан кўрган, газанда билан юзма-юз келган йигитлар бор. Терроризм бугун аждарҳо бўлиб бош кўтарди. Қитъалар бўйлаб қанот қоқмоқни истаб қолди. Уларнинг қабиҳ маслаги, жирканч мақсадлари нималардан иборат эканини шахсий таркибимиз яхши билади, чаён аждарҳога айланса не кулфатлар келтириб чиқариши бугун ҳаммага аён. Аммо бизни қўрқитолмайдилар. Биз ҳеч кимни қўрқитмаймиз. Қўрқмаймиз ҳам. Ана, йигитларимиз, ҳаммаси суқсурдай. Синамоқ учун бир ишора қилинг, кипригини қоқсин-чи.

Кубаевнинг йигитларидан бири — Суюн Норқулов билан суҳбатлашаман. — Ҳарбий хизмат мен учун мактаб бўлди, — дейди Суюн катта-катта кўзлари чақнаб. — Дўхтирлар, касалмандсан, зотилжаминг бор,

(Давоми 2-бетда).

## АКСИЛТЕРРОР: ЭНГ СЎНГГИ ДАРАКЛАР

«Рейтер» ахборот агентлигининг хабар қилишича, АҚШнинг самолётлари кеча эрталаб толибларнинг Хаир-Хаба шаҳарчасидаги йирик ҳарбий истеҳкомини яксон қилган. Пентагон мулозимларининг айтишича, «Ал-қоида» жангариларининг йиғилган нуқтасини топиб, мўлжалга олиш бўлажак ҳужумлар мақсадидир. Ҳозирда Афғонистонни ташқи дунё билан боғлаб турадиган телефон станцияси бутунлай тормор қилинган.

* * *

Кеча Оқ уй раҳбари Жорж Буш толиблар халқаро террорчи Усама бин Лодинни АҚШ қўлига топширмагунча ҳарбий амалиётлар давом этишини маълум қилди. У толибларнинг бин Лодинни учинчи бетараф мамлакатга топшириши мумкинлиги ҳақидаги таклифини қатъий равишда инкор қилди.

* * *

ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, Шимолий альянс Мозори Шарифни тўла қамал қилишга эришган. Альянс етакчиларидан бири Ашраф Надимнинг билдиришича, Мозори Шариф яқин кунларда, ҳатто жангсиз ҳам олиниши мумкин. Айни пайтда толибларнинг тўрт минг нафар аскари Шимолий альянс томонига ўтганлиги айтилмоқда.



* * *

АҚШ махсус хизмат ходимлари ўтган бир ой ичида америкалик фуқароларга нисбатан тўрт бор уюштирилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатларининг олдини олишганликларини аён қилишди. Маълум бўлишича, халқаро террорчилар АҚШнинг Париж, Туркия, Ямандаги элчихонаси ҳамда НАТОнинг бош қароргоҳини портлатишни режа қилган, деб хабар беради «Рейтер» агентлиги.

* * *

Кеча тунда Пентагон намояндалари ўтган якшанба ва душанба куни Афғонистондаги террор ўчоқларига қарши олиб борилган ҳарбий амалиёт натижалари хусусида тўхталиб, унда 10 та бомбардимончи ва 50 та қирувчи самолёт иштирок этганлигини аён қилди. Шунингдек, бугун ва эртанги амалиётларда Theodore Roosevelt русумидаги янги авиа транспортлари қатнашиши маълум қилинди.

